

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил январь ойининг 14 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Зайнабидинов,

ҳайъат судьялари: У.Имомова ва А.Исаковдан иборат таркибда, А.Бакировнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Нурова, химоячи О.Абдуллаев, судланган Р.Рнинг иштирокида, Р.Рга оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2024 йил 11 ноябрдаги ҳукмига кўра:

_____да Пахтаобод туманида туғилган, миллати уйғур, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, Пахтаобод туман Мактабгача ва мактаб таълим бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2021 йил 25 августдаги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 28,184¹-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2022 йил 24 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан 8 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган, қўшимча жазони тўлиқ ўтаган, _____

_____да яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган Р.Рга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 1 йил давлат ташкилотларида



мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ЖКнинг 57²-моддасига асосан, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 172.050.000 сўм ва 4.523.459 сўм пул маблағлари жиноят оқибатида етказилган зарар учун Пахтаобод туман Молия бўлимининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказиш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.Р 2022-2023 йиллар давомида Пахтаобод тумани Мактабгача ва мактаб таълим бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, ҳисобчи О.Тоҳирова ва М.Махаммадҷонов билан олдиндан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомнинг 4-бандида кўрсатилган талабга зид равишда 8.202.009 сўм, Низомнинг 14-бандида кўрсатилган талабга зид равишда 1.367.592 сўм ёки 2010 йил 22 декабрдаги Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома талабларига амал қилмаган ҳолда 26.088.715 сўм, ёхуд 2020 йил 30 июндаги “Умумтаълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 23-бандида кўрсатилган талабга зид равишда 1.958.393 сўм, меҳнат таътилини бериш тартибига амал қилмасдан 7.305.294 сўм, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда ойлик устамаларининг нотўғри тўланиши натижасида 25.675.539 сўм тўлаб юбориб, жами 70.597.542 сўм бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган.

Мазкур жиноят иши бўйича А.Қ ҳам судланган бўлиб, апелляция шикоятни ёки протест билдирилмагани сабабли ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмади.

Судланган Р.Р апелляция шикоятида, айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, соғлиги яхши эмаслигини, суд томонидан оилавий шароити оғирлиги инobatга олинмасдан оғир жазо тайинланганини кўрсатиб, тайинланган жазолардан озод қилишни сўраган.

Шу иш бўйича судланган А.Қ ва фуқаровий даъвогар Э.М ўз эътирозномаларида, шикоятга нисбатан эътирозлари йўқлигини билдиришган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Н.Зайнабидиновнинг маърузасини, ҳимоячи О.Абдуллаев ва судланган Р.Рнинг апелляция шикоятини қаноатлантириб, қўшимча жазодан озод қилиш ҳақидаги фикрларини, прокурор Ш.Нурованинг суд ҳукмини



Ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланувчи Р.Рнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги: ўзининг айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, текшириш далолатномалар ва унга илова қилинган ҳужжатлар, ёзма далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди, Р.Рга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилали, 4 нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганини, фуқаровий даъвогарни даъвоси йўқлигини, оилавий моддий шароити, айб шакли, содир қилинган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, ишдаги бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, жиноятларни бевосита эгаллаб турган вазифаларини бажариб турган ҳолда содир этганлиги учун ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда айбли деб топилган моддаси билан ЖКнинг 57²-моддасига асосан мазкур модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг энг кўп муддатининг ярмидан ортиқ бўлмаган миқдорда тайинлаш ҳақида адолатли хулосага келган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси судланган Р.Рнинг апелляция шикоятидаги суд ҳукмини ўзгартириб, тайинланган жазолардан озод қилиш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ



эканлигини аниқласа, ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун жиноят ишида асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Р.Рга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Пахтабод туман судининг 2024 йил 11 ноябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо
имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

Н.Зайнабидинов

